

Ориф Фармон

Қув ва қувноқ

Шалпангқула



ОРИФ ФАРМОН



ҚУВ ВА ҚУВНОҚ ШАЛПАҢГҚУЛ



Кув ва кувноқ Шалпангқул

Ориф Фармон

Кулгили эртакчалар

84 (5Ф) 7

Ф 25

КБК 84 (5Ф) 7

Таниқли ҳажвчи ёзувчи Ориф Фармоннинг “Қаловини топсанг”, “Учар тарелка”, “Кўнгил кўчаси”, “Ёввойи одам”, “Хилватдаги қотиллик”, “Бузғун”, “Йўқолган ҳайкалча”, “Адвокатлар фош қилади” каби китоблари нашр этилган.

Муаллифнинг ушбу китоби Шалпангқул қуёнининг турли қизиқ саргузаштлари ҳақида. Бу кулгили ҳангомалар нафақат болалар, балки катталарга ҳам маъқул бўлади, деб ўйлаймиз.

● ШУ ҲАМ ЮГУРИШМИ

Ўрмоннинг қув ва қувноқ қуёни Шалпангқул Айиқнинг уйи олдидан ўтиб борарди. Айиқ тўнқада асал ялаб ўтирган экан.

-- Ҳа, қуён, қалайсан? -- деди Айиқ тамшаниб.

-- Яхши, полвон тоға, -- жавоб берди қуён. -- Ўзингизнинг соғлигингиз яхшими?

-- Ў-е, полвон тоғанг ҳам қарибди, шекилли. Маза йўқ, -- шикоят қилди Айиқ.

-- Нима бўлди?

-- Оғирман, қуён, оғирман... Ҳай, менга қара, ҳар куни эрталаб югурмаймизми, а? Бадантарбия учун.

-- Югураверамиз, -- дея иржайди Шалпангқул.

-- Бир ўзим зерикаман. Сен шерик бўлсанг...

-- Бўпти, полвон тоға. Эрталаб келаман.

-- Ёки мен сени уйғотаман, -- деди Айиқ.

Айиқ айтганидай, эрталаб қуённи уйғотди.

Ҳаво салқин, майин шабада эсар, шапалоқ барглар шилдираб, буталар ҳувилларди. Шалпангқулнинг эти увишиб, турганига пушаймон бўлди. Бироқ Айиққа буни айтолмади.

Икковлари ёнма-ён туришди ва Айиқнинг командаси билан югуриб кетишди. Қуён ўқдай учди, Айиқ эса ҳолпиллаб орқада қолди... Шалпангқул қайтиб келганда Айиқ уйи олдида дам олиб ўтирарди.

-- Шу ҳам югуришми? -- танбеҳ берди Айиқ. -- Секин, бир текис чопиш керак... Қанча жойгача бординг?

-- Уч чақирим! -- деди қуён керилиб. -- Сиз-чи?

-- Ярим чақирим...

-- Шу ҳам югуриш бўлдию! -- Шалпангқул лабини бурди.

Эртаси куни улар яна юргани чиқишди. Кечаги аҳвол такрорланди. Айиқнинг гапига қулоқ солмаган Шалпангқул дик-дик сакраб кўздан ғойиб бўлди. Қайтганида Айиқ сўради:

-- Қанча югурдинг?

-- Икки чақирим. Сиз-чи?

-- Ярим чақирим, -- жавоб берди Айиқ. --

-- Шу ҳам югуриш бўлдию! -- бурнини жийирди қуён.

Учинчи куни қуён бир чақирим жойга бора олди холос. Айиқ эса ҳамон ярим чақиримдан нарига ўтмади. Шу тариқа улар бир неча кун югуришга чиқдилар. Охирги куни эса негадир қуёндан дарак бўлмади. Айиқ ундан хабар олишга кирди.

-- Вой, қимирлашга ҳам мадорим йўқ, -- дея ингради Шалпангқул ётган жойида. -- Энди бошқа чиқолмайман.

-- Майли, ўзим югураман, -- деди Айиқ ва чиқиб кетди.

У бу гал ёлғиз югурди ва анчадан кейин қайтди.



- Қанча, полвон тоға? -- сўради қуён.
- Ярим чақирим.
- Меники ноль, вой-вой-ей!
- Шу ҳам югуриш бўлдию! -- Айиқ ўкириб кулиб юборди.

● УЙИН

Шалпангқул кун бўйи сакраб чарчади ва ором олиш учун қирққулоқлар орасига кириб ётди. Энди мизғиётган эди, шохларнинг шитир-шитири эшитилди. Шалпангқул тепага қараб бир тўп олмахонларни кўрди. Улар шохдан шохга сакраб чувиллаша бошладилар.

-- Йўқол ҳамманг, дам олишга ҳам қўймайсизлар! -- чинқирди қуён уларга қараб.

-- Э, нега чинқирасан? Кел, яхшиси, ўйнаймиз, -- таклиф қилди улардан бири.

-- Қанақа ўйин? -- сўради Шалпангқул эринчоқлик билан.

-- "Олма-олма". Шохларга чиқиб "олма" бўламиз. Ўйнайсанми? Жуда зўр ўйин.

-- Мен дарахтга чиқолмайман-ку? -- деди Шалпангқул.

-- Манаву пастакигига ҳамми? Қара, бунинг устида тошбақа юрса ҳам бўлади.

Ростдан ҳам ер бағирлаб ўсган бир бақатерак бор эди. Шалпангқул "олма-олма" ўйини қанақа бўлишига жуда қизиқиб қолганди. Шунинг учун у дарахтга тирмашди ва аста-секин кўтарила бошлади. Бир пайт тўхтаб қараганди, ўх-ўх, анча баландга чиқиб қолибди.

-- Бўлдими? -- шивирлади у, қаттиқроқ гапирса, йиқилишдан қўрқиб.

-- Бўлди, -- дейишди олмахонлар чувиллашиб. -- Мана, ҳаммамиз шохларда осилиб турган "олма"лармиз. Анаву пастдаги олмахон "боғбон". "Боғбон" келиб "Пишди!" дейиши билан "дув" ерга тўкиламиз. Бўптими?

-- Хўп, -- деди Шалпангқул оёғи қалтираб.

"Боғбон" дарахтларга қараб "Пишди!" деди. Олмахонлар "дув" ерга тўкилдилар. Шалпангқул эса сакрашга кўрқиб тураверди.

-- Ҳов, сен тўкилмайсанми? -- деди "боғбон". -- Нега ўйинни бузасан?

-- Мен ҳали хомман! -- деди Шалпангқул олмахонларни лақиллатиш учун.

-- Шунақами? Биз хом олмаларни тош билан уриб қоқамиз.

Шалпангқулга тошу кесак ёғилди. Жонидан оғриқ ўтган Шалпангқул шунақанги узоққа сакрадики, бундай эпчиллигига ўзи ҳам ҳайрон қолди. Олмахонлар роса маза қилиб кулишди. Қуён эса аламдан иршайган, мўйлови титрарди.

-- Бу ғирромлик! -- қичқирди у олмахонларга ташланиб. -- Мен бу ўйинни билмасдим. Бошқа ўйин ўйнаймиз.

-- Қанақа ўйин? -- сўрашди олмахонлар.

-- Мен билмайман, -- деди қуён.

-- Кел, бўлмаса, "овчи-овчи" ўйнаймиз.

Шалпангқул рози бўлди. Энди алданмаслигига ишонарди.

-- Шарти қанақа? -- сўради у.

-- Ҳаммамиз дарахтларга чиқиб оламиз. "Овчи" келиб бизни "отади".

-- "Ўқ теккан"ни нима қилади?

-- Ҳи-ҳи-ҳи, нима қиларди, пишириб ейди-да, -- дея кулишди олмахонлар.

Ҳаммалари дарахтларга чиқиб олдилар. Шу пайт "овчи" келиб, уларни "ота бошлади". "Ўқ теккан" олмахонлар "тап-туп" ерга қулайвердилар. "Овчи" "милтиғи"ни қуёнга қаратиб "ўқ узди". Қуён бошини бир ёнга ташлаб чап берди. Яна "ўқ узилди". Шалпангқул тагин қутулиб қолди. У ўйинни боплаб бузаётганидан роса хурсанд эди. "Овчи" уни "отолмай" хуноб бўлди. Охири, "овчи" ўйланиб қолди. Кейин бир тадбир топди ва суюнганидан ирғишлаб дарахт тагига борди..

-- Ҳа, қўлга тушмайсан-а, тушмайсан! -- чинқирди у ва дарахтни "арралай" бошлади.

Шалпангқул шошиб қолди, типирчилаб шохга ёпишди. Сўнг у ҳам хийла ўйлади ва тантанавор чийиллади:

-- Тириклайин қўлга тушадиган кўрқоқ йўқ!!! -- У шартта ўзини ўзи "отиб ташлади".

Шалпангқул гурсиллаб ёмон йиқилди, нақ бели чиқиб, нафаси чиқмай қолаёзди. Бироқ у жуда хурсанд эди. Олмахонлар қийқириб қуённи масхара қилардилар. Шалпангқул эса:

-- Сен олмахонларни роса боплаб лақиллатдимми?! --У ўзидан беҳад хурсанд бўлганча жўнаб қолди.



● РАСМ

Бир куни Шалпангқул каттагина картон қоғоз топиб олди. У қоғозни "нима қилсам экан?" деб ўйлаб, уёғини ағдарди, буёғини ағдарди, кейин расм чизмоқчи бўлди. Ҳаваскор рассом Шалпангқул қидириб юриб чала ёнган ўтин топди. Энди расмга мавзу танлаши керак эди. У узоқ бош қотириб ўтирди. Охири, Айиқнинг расмини чизишга қарор қилди ва ишни бошлаб юборди.

Айиқнинг расми жуда ғамгин чиқди. Шунда Шалпангқул Айиқнинг кўз ёшлари оқаётган қилиб тасвирлаб қўяқолди. Лекин у "Айиқ нимага йиғлаяпти?" деб ўйга толди. "Ҳм, унинг қорни оч, мен эса маза қилиб сабзи еб турибман, -- деди қуён ўзича хурсанд бўлиб. -- Аммо мен қани?"

Қуён тағин ишга тушиб кетди. У ўзини иржайиб сабзи еб турган ҳолатда тасвирлади. Шалпангқул чизган расмидан кўз узолмас, гоҳ узоқлашиб, гоҳ яқинлашиб томоша қилиб тўймас эди. У расмни ҳаммага кўрсатиб мақтанишга ошиқди. Қуён расмни кўтариб югуриб кетди ва йўл-йўлакай қичқира бошлади:

-- Кўринг! Томоша қилинг! Ажойиб расм, ғаройиб расм! Армонда қолманг!

Бирин-кетин ҳайвонлар тўпланиб, унга эргашдилар. Қуён расмни чинорга осиб қўйди. Ҳайвонлар чувиллаб уни саволга тутдилар:

-- Айиқ полвон нимага йиғлаяпти?

Шалпангқул дўнгликка чиқиб тушунтира бошлади:

-- Ўртоқ тасвирий санъат шайдолари! Ниҳоятда чуқур савол беряпсизлар! Бу ноёб расмда Айиқнинг оғир куни, яъни оч қолгани тасвирланган. У менинг маза қилиб сабзи еб турганимни кўриб эзилиб кетган, шўрлик...

-- Айиқ сабзи емайди-ку? -- деди Попишак қанотларини икки ёнга ёйиб.

-- Оч қолганда ҳамма нарсани еяверади. Ўт ейдими? Ҳа! Ана! Бундан ташқари, ўртоқлар, рамзий маънода истаганча тасвирлаш мумкинлигини унутмаслик керак...

Тўсатдан ҳаммаёқни Айиқнинг гулдираган овози тутди.

-- Мен сабзи емайман! -- деди лапанглаб келаётган Айиқ.

Қуён дўнглиқдан думалаб кетди. У энди соғ қолмасам керак, деб ўйлаганди. Бироқ Айиқ ўкириб кулиб юборди, кейин деди:

-- Қуён, кўрқма. Расмни жуда бошлабсан. Энди нима тасвирланганини мен тушунтириб берай. Хўш, сен сабзи еб турибсан, мен эса "Шўрлик қуён ночор шу маза-матрасиз сабзини еб яшашга мажбур-да" деб сенга раҳмим келганидан йиғлаяпман.

Ҳайвонлар бараварига кулиб юбордилар. Қуён эса қочиб қолди.

● ШИФОБАХШ ЙИГЛАР

Кунларнинг бирида Шалпангқул Бўрсиқни бир бохламоқчи бўлди. У сўқмоқда пойлаб турди-да, Бўрсиқ яқинлашай деганда шартта ўзини ўликка солиб ётиб олди. Бўрсиқ унга яқинлашиб таққа тўхтади.

-- Ие, Шалпангқул?! Нима бўлдийкан? -- ҳитоб қилди у кўрқиб. -- Ўлганми?! Наҳотки?! Яхши қуён эди, шўрлик. Вой, ким бор, ёрдам беринглар! -- Бўрсиқнинг чақириғига ҳеч ким жавоб бермади. Осмонда эса ўлжа ҳидини сезган ғажир ва калхатларнинг овози эшитилди. Бўрсиқ шошиб қолди. -- Тошлар билан пана қилиб қўяй бечорани. Нимага ҳеч кимга айтмай ўлиб қолдийкин, а? -- У тош таший бошлади ва битта тошни устига ташлаганда Шалпангқул индамади. Кейин қараса, бўлмайдиган, Бўрсиқ кўмиб қўяди. Шалпангқул ингради. Бўрсиқ чўчиб тушди. -- Вой, тирикмисан, ошна?! Юракни ёрдинг-ку! Касалмисан?

Шалпангқул жавоб бермади. Шунда Бўрсиқ ноилож уни бир амаллаб елкасига ортди ва уясига элтиб қўймоқчи бўлиб йўлга тушди. Ўлжа умидидаги қузғунлар тепадан кузатиб қолдилар. Бўрсиқ ҳаммаёғини тирнаётган латтатикану янтоқл

-- Тинчликми? -- сўради Жайра. -- Шалпангқулга нима қилибди?

-- Касал, -- деди Бўрсиқ. -- Агар мен учрамаганимда қузғунларга ем бўларди, шўрлик.

-- Ҳм, касали оғирга ўхшайди. Энди нима қилмоқчисан?

-- Уясига олиб кетяпман. Ҳув, дўланазордан кўтариб келдим. Сира ҳолим қолмади. Ҳозир чарчаганимдан йиқилиб тушдим.

-- Сенга ёрдамлашаман, -- деди Жайра тумшукчасини кўтариб. -- Қани, устимга орт-чи. -- У ялпайиб ётди.

Шалпангкул бир фикрга келгунча Бўрсиқ уни даст кўтариб, Жайранинг устига юклади. Жайранинг ўткир йиглари Шалпангкулнинг баданига ғарчча санчилди. Қуён чинқирганича отилиб кетди ва оғриққа чидаёлмай диконглаб сакрай бошлади.

-- Вей, Бўрсиқ, сени роса боплабди-ку -- дея кулиб юборди Жайра. -- Эшак қилиб минибди-да. Вой, лақма Бўрсиққина!

Бўрсиқ ғазабдан пишиллади ва қуёнга яқинлаша бошлади. Шалпангкул қараса, аҳвол чатоқ! У шошиб-пишиб ўзини оқлашга тушди:

-- Раҳмат, Бўрсиқ. Минг раҳмат! Сенга ҳам раҳмат, Жайра! Сизлар ҳақиқий дўст экансизлар. Мана, сизлар туфайли тирик қолдим. Вой, биласизларми, Жайранинг йиглари шифобахш экан! Ҳи-ҳи, чин сўзим!

Жайра ҳаяжондан питирлади, йиглари тиккайди. Кейин нафаси тикилиб сўради:

-- Рост айтяпсанми, Шалпанг?

-- Э, албатта! Мана, кўриб турибсизлар-ку! -- ҳитоб қилди қуён. -- Касалимдан асар ҳам қолмади! Бунини мен кашф этдим, мен!

Жайра керилиб уёқдан буёққа юра бошлади, Бўрсиқ бўшашиб қолди.

-- Мен кўтариб келмаганимда, Жайрани учратмасдик, унинг устига ортмасдим, -- деди Бўрсиқ.

-- Сизлар эса кўтартириш учун айёрлик қилган, деб юрибсизлар, -- ўпкalandи қуён.

-- Бизни кечир, -- дейишди Бўрсиқ билан Жайра.

-- Энди, ошналар, гап бундай, -- деди Шалпангкул ўйланиб. -- Ўрмонда шифохона очамиз. Жайра доктор бўлади, мен шифохона хўжайини...

-- Мен-чи? -- сўради Бўрсиқ шошиб.

-- Хўп, сен ёрдамчим... Энди шифохона учун жой қидириш керак. Жайрада шундай ноёб хислат бўлгандан кейин бошқаларга ҳам фойдаси тегсин-да, тўғрими?

-- Тўғри, тўғри!

Учовлари жовуллашиб йўлга тушдилар. Улар юра-юра бир жингилзор ёнидан ўтаётганларида Бўрсиқ қаршиларидаги ғорни кўрсатиб сўради:

-- Анаву ер бўлмайдимми?

-- Э, ярамайди, -- эътироз билдирди Шалпангкул. -- Мен бир зўр ғорни биламан.

Улар йўлда давом этдилар ва Шалпангкул бир ғор олдида тўхтади. У кўкрак керганча ғорга ишора қилди.

-- Мана, бояги жингилзордаги ғор қаердаю бу қаерда!

-- Яхши жой экан, -- маъқуллади Жайра. -- Хўш, мен касалларни қандай қабул қиламан?

-- Ҳм, қандай дейсанми? -- Шалпангкул қулоқларини ширт-ширт қашлади. -- Хўп, ичкарида йигларингни тиккайтириб турасан. Касал кириши билан йигларингни ғарчча санчасан, тамом. Мен касаллар келтирган совға-саломларни йиғаман, Бўрсиқ уларни инимизга ташийди.

-- Менга қара, Шалпанг. Яхшиси, Жайра ҳеч кимга кўринмасин, -- таклиф қилди Бўрсиқ. -- Биз уни бошқа ўрмондан келган машҳур доктор, деб эълон қиламиз.

-- Тўғри. Жайра, дарров ичкарига кир. Сен, Бўрсиқ, Ҳакканинг ёнига чоп. Шифохона ҳақида бутун ўрмонга жар солсин. "Доктор совға-саломсиз касалларни қабул қилмайди" десин.

Бўрсиқ югуриб кетгач, бирпас ўтиб шифохона олди турли ҳайвонларга тўлди. Шунча касал кўплигига ҳаммалари ҳайрон эдилар. Ёки баъзилари шифохона очилганини эшитиб касал бўлиб қолганми?..

Шалпангқул тўнкага чиқиб, уларга мурожаат қилди:

-- Ўртоқ оғир, енгил ва ўртача касаллар...

-- Сал-пал касаллар-чи? – қағиллади қарға.

--Биз узоқ ўрмондан ниҳоятда моҳир докторни олиб келдик. У қоплону айиғу тўнғиздан тортиб илонгача даволаган. Лекин бу осон бўлгани йўқ. Унга яхши-яхши егуликлар ваъда қилганмиз. Доктор касални игна санчиб даволайди. Унинг ёнига бир кирган касал иккинчи йўламайди. Масалан, мен бир игна санчилганда тузалдим. Хўш, ўртоқ оғир, енгил, ўртача, сал-пал касаллар, аввал докторга егуликлар келтиришимиз керак.

Касаллар совға олиб келишга кетдилар. Бироздан кейин шифохона олдида бир уюм турли емишлар йиғилди. Докторнинг қабули бошланди. Дастлаб шифохонага Қундуз кирди. Ҳамма ҳаяжон билан уни кутиб турарди. Аммо у кўп кутдирмади -- дарровда шифохонадан ўқдай отилиб чиқдию ҳайвонларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай ўзини чакалакзорга урди.

Навбат Қирғовулники эди. У виқор билан узун чиройли думини кўз-кўзлаганча шифохонага суқилди. У ҳам потирлаб ташқарига учиб тушди. Қизғиш патлари ҳарёққа тўзғиди ва индамай қамишзорга шўнғиди.

Касаллар ҳайрон иккиланиб қолдилар. Шалпангқул эса уларни қистай бошлади:

-- Қани, кирмайсизларми? Бир зумлик оғриқ бир йиллигини даф қилади! Бўлинглар, бўлинглар! Доктор бир кунгагина келган. Эртага кечикасизлар!

Ичаридан эсхонаси чиққан касаллар отилар, баъзилари жон ҳолатда қочиб қолса, бошқалари йиқиларди. Бир пайт Айиқнинг гулдираган овози эшитилди:

-- Ҳов, Шалпангқул, мен ҳам кираверайми?

Шалпангқул нима қиларини билмай питирлади. Кейин шошиб чийиллади:

-- Йўқ, йўқ, кирманг, полвон тоға!

Айиқ ҳайрон бўлди.

-- Нимага энди?

-- Ҳалиги... ҳалиги...

-- Э, тез чиқаман.

Айиқ шифохонага кирди. Шалпангқул эса бошини ушлаб қолди. Шифохонада тўс-тўполон бошланди. Сўнг ичаридан алланима отилиб тушди. Бу "доктор" Жайра эди. Ҳайвонлар ҳайратланиб қий-чув кўтардилар. Шалпангқул, Жайра ва Бўрсиқ жон ҳолатда қочиб ғойиб бўлдилар.

● ЙИРТҚИЧ ДОРИСИ

Ўрмонда тўсатдан бир очофат Бўри пайдо бўлди. У шунчалик кучли, айёр, вахший эдики, кўпчилик ҳайвонлар бемалол юролмади қолди. Аввалги тинчлик бузилди. У емаса ҳам ҳайвонларни ўлдириб кетар, қушларнинг тухумларини пачақлаб ташларди. Шўрлик ҳайвонлар инларидан чиқишга қўрқишар, атроф ҳувиллаб ётар эди.

Кунларнинг бирида ўрмонда ҳаёт жонлангандай бўлди. Чунки Бўри касал бўлиб қолганди. Ҳайвонлар қўрқмасдан қоринларини тўқладилар, илгариги шўх ўйинларини бошладилар. Аммо булар вақтинчалик хурсандчилик эди. Бўри тузалса, бошларига яна кулфат тушарди. Шунинг учун Шалпангқул Бўрининг касаллигидан фойдаланиб, уни даф қилишга уриниб кўрмоқчи бўлди. У ўйлай-ўйлай, охири, бир хийла топди ва Мушук докторнинг ёнига югурди.

Мушук инининг оғзида эснаб ўтирарди, Шалпангқул у билан ҳовлиқиб саломлашди. Кейин аҳволни тушунтирди ва мақсадини айтди. Мушук узоқ ўйланиб қолди.

-- Агар Бўри даволанишни истамаса-чи? -- сўради кейин.

-- Вей, қизиқмисиз, доктор! -- ҳитоб қилди Шалпангқул. -- Ҳа, қайси касал даволанишни истамайди?

-- Бу гапингиз тўғри, -- тасдиқлади Мушук. -- Майли, бир бориб кўрайлик-чи.

Мушук дори халтасини кўтариб чиқди.

-- Доктор, узун, йўғон ниналарингиздан олдингизми? -- сўради Шалпангқул. -- Йиртқичнинг баданига суқиб-суқиб маза қилайлик!

-- Олдим, -- деди Мушук кулиб, -- нақ қозикдай келади.

Улар йўлга тушдилар. Йўл-йўлакай Бўрини даф қилиш режасини пишириб боришди. Бўрининг ғорига етиб келганларида таққа тўхтаб қолдилар. Чунки ғор ҳам эгасига ўхшаб кўрқинчли, худди ямламай ютаман, деб тургандай эди. Шалпангқул билан Мушук бир-бирларига далда берганларича ичкарига кира бошладилар. Мушук Бўри тўсатдан чанг солиб қолмаслиги учун "Мен докторман, мен докторман" дея миёвлаб борарди. Улар ғор тўрида бемажол чўзилиб ётган Бўрини кўрдилар.

-- Қалайсиз, Бўривой? -- сўради Мушук бўйнидан халтасини оларкан.

Бўри жавоб ўрнига ингради ва базўр қимирлади.

-- Касаллигингизни эшитиб, хабар олгани келдик, -- деди Шалпангқул.-- Мушук доктор сизни даволайди.

Бўри тағин инграб кўзларини очиб-юмди. Мушук уни текшира бошлади. Кейин катта нина билан укол қилди. Бўри оғриқдан биланглади. "Оғриқ мана шунақа бўлади, -- ўйлади Шалпангқул. -- Битта нина кирганига шунчалик тўлғоняпсан. Ўзинг қанча ҳайвонларга сўйлоқ тишларингни ғарчча ботиргансан!"

-- Аҳволингиз жуда оғир! -- деди Мушук доктор ваҳима билан.

-- Ўламанми? -- ғиншиди Бўри сесканиб.

-- Ҳа, ўлишингиз аниқ. Умрингиз уч кун қолибди.

Бўри жон ҳолатда турмоқчи бўлди, лекин йиқилди.

-- Ёрдам бер, ҳов, Мушук! -- ялиниб-ёлворди у.

-- Қўлимдан келмайди, -- деди Мушук. -- Менда сизга даво бўладиган дори йўқ.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3630> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3630> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3630>